

# ШАРТНОМА № 4

"22" август 2022 йил (ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш тўғрисида)

Данғара тумани

Низом асосида фаолият юритувчи **Данғара тумани хўжалик хисобидаги шахсий таркиб архиви** бундан буён матнда "Бажарувчи" деб аталувчи бир томондан **Данғара тумани ХТБ** бундан буён матнда "Буюртмачи" деб аталувчи иккинчи томондан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги ҳамда "Архив иши тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларга асосан қуйидагилар ҳақида ушбу шартномани туздилар:

## 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1. "Бажарувчи" "Буюртмачи"нинг топшириғига асосан корхона фаолияти давомида тўпланган ҳужжатларни *тартибга келтириш - сақловга тайёрлаш, ўз тарихий аҳамиятини йўқотган ҳужжатларни экспертизадан ўтказиш, китоб шаклига келтириб тикиш*, шунингдек лозим тақдирда архив ҳужжатларини *вақтинча сақловга қабул қилиб олиш ва белгиланган муддат давомида сақлаш* каби вазифаларни бажаради, "Бажарувчи" эса бажарилган хизматларнинг якуний далолатномаси асосида кўрсатилган хизмат учун ҳақ тўланишини таъминлайди.

## 2. ШАРТНОМАНИНГ НАРХИ.

1.2. Томонларнинг келишувига асосан шартнома бўйича кўрсатиладиган хизматнинг нархи **98 400 000** сўмни ташкил этиб, "Бажарувчи" томонидан амалда бажарилган ишлар ҳажмидан келиб чиқиб, прејскурант асосида ишлаб чиқилган далолатнома асосида аниқланади.

## 3. ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ.

3.1. Томонларнинг келишувига асосан "Буюртмачи" шартнома бўйича кўрсатиладиган хизмат дастлабки қийматининг **30 % фоизи** миқдоридаги маблағни ишлар бошлангунга қадар "Бажарувчи"нинг ҳисоб рақамига ўтказишни таъминлайди.

3.2. Ҳужжатларини тартибга келтириш якунланиб, бажарилган ишларнинг ҳақиқий ҳажмидан келиб чиқиб прејскурант асосида ишлаб чиқилган якуний далолатномада кўрсатилган сумма (қолган маблағ) ишлар топширилган кундан бошлаб, уч иш кундан кечиктирмай пул ўтказиш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади.

3.3. Агар бажарилган ишларнинг ҳақиқий қиймати шартномада кўрсатилган дастлабки қийматга етмаган тақдирда "Бажарувчи" ортиқча суммани 3 банк иш кунида "Буюртмачи"нинг ҳисоб рақамига қайтарилишини таъминлайди.

## 4. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

### 4.1. "Буюртмачи":

а) Тўпланган барча ҳужжатларни тўлиқ топширади, архив гуруҳининг ишлаши учун етарли шарт-шароитлар яратиб беради, қоғоз, клей ажратиб беради. (етарли шарт-шароит, алоҳида хона-жой бўлмаган тақдирда барча ишлар архив биносида амалга оширилиши мумкин).

б) Сараланиши лозим бўлган ҳужжатлар, йўқолган ҳужжатлар тўғрисида маълумотлар беради, тақдим этилмаган ҳужжатларнинг ўрнини босиши мумкин бўлган ҳужжатларни ҳам йўқолиши оқибатида чиққан низоларга жавобгар ҳисобланади.

в) Бажарилган ишлар учун тўловни ўз вақтида амалга ошириб беради, архивга топширилиши лозим бўлган ҳужжатларни ўз транспорт воситасида олиб келинишини таъминлайди.

### 4.2. "Бажарувчи":

а) Шартномада белгиланган муддатда ўзига ишониб топширилган ҳужжатларни қабул қилиб олади, илмий-техник таҳрирдан ўтказилади, саралайди, тартибга келтиради.

б) Архив ҳужжатларини доимий ва муддатли, шунингдек вақтинча сақловга тайёрлайди, сақловга қоладиган ҳужжатларни тикиб рақамлайди ва таъмирлайди.

в) Ҳужжатларни таҳлил этиб бўлгач ҳақиқий бажарилган ишлари учун якуний далолатномани тақдим этади.

г) Ҳужжатларни сақланишини яхшилаш, йўқолишини олдини олиш мақсадида буюртмачининг талабига кўра сақлаш муддати тугамаган ҳужжатларни вақтинча сақловга олади, сақлаш муддати тугаганидан сўнг буюртмачини мурожаатига асосан ҳужжатларни чиқиндига чиқариш комиссияси ишида мутахассис сифатида иштирок этади.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.



5.1. Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ижро этилмаслиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида шунингдек ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

5.2. "Бажарувчи" томонидан "Буюртмачи" га хизматларни белгиланган муддатларда кўрсата олмаса кечиктирилган хар бир кун учун 0,5 % миқдорида буюртмачига жарима тўлайди, лекин жариманинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар бахосининг 50% ошиб кетмаслиги лозим.

5.3. Шартнома талабларида кўрсатилган белгиланган сифатдаги ҳужжатларни илмий техник тахрирдан ўтказиш, саралаш, тартибга келтириш ишларни вақтида бажариб бермаган тақдирда айбдор тараф ушбу бажарилмаган хизмат қийматининг 20% миқдорида жарима тўлашга сабаб бўлади.

5.4. Буюртмачи томонидан кўрсатилган хизматлар учун тўловлар ўз вақтида амалга оширмаган тақдирда кечиктирилган хар бир кун учун келишилган сумманинг 0,4 % миқдорида бажарувчига жарима тўлайди, бунда жариманинг умумий миқдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ортиқ бўлмаслиги лозим. Агар Буюртмачи маблағни 5 иш кунидан кечиктирса Бажарувчи Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси қошидаги Мажбурий ижро бўлими орқали хал қилишга тааллуқли бўлади.

5.5. Буюртмачига бажарилган ишлар далолатномаси тақдим этилгандан кейин 3 кундан кечиктирмай қолган суммани тўлиқ ўтказиб беради.

## **6. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.**

6.1. Тарафлар ўртасидаги шартнома билан боғлиқ барча низолар ўзаро музокара йўли билан хал қилинади.

6.2. Агар келишмовчиликларни музокара йўли билан хал қилиб бўлмаса, улар амалдаги қонунлар асосида Фарғона вилоят иқтисодий суди орқали хал қилишга тааллуқли бўлади.

## **7. ШАРТНОМАГА ҚЎШИМЧА-ЎЗГАРТИШЛАР КИРИТИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАР**

7.1. Ушбу шартномага киритилган хар қандай қўшимча ва ўзгартишлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, тарафлар томонидан имзоланган ҳуқуқий кучга эга бўлади.

7.2. Хар қандай қўшимча ва ўзгартишлар илова тариқасида киритилади ва шартноманинг ажралмас қисми бўлиб қолади.

7.3. Ушбу шартнома тарафлар томонидан имзоланган кунидан, бюджет ташкилотлари учун эса фазначилик бошқармаси (бўлими)да рўйхатдан ўтгандан сўнг қонуний кучга киради.

7.4. Шартномани амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабр кунигача.

## **8. ФОРС-МАЖОР МАЖБУРИЯТЛАРИ.**

8.1. Форс-мажор ҳолати бўлган тақдирда, булар: кўзда тутилмаган ва назорат қилиш мумкин бўлмаган ҳолларда, яъни сўв тошқинлари, ер силкиниши, ёнғин ёки харбий ҳолат бўлганда томонлар ушбу шартнома шартларини бажариш мажбуриятидан тўлиқ ёки қисман озод этилади.

8.2. Ушбу форс-мажор ҳолати юзага келганда бошқа томон электрон алоқаси ёки бошқа усулда хабардор этиши шарт. Билдиришнома керакли ташкилотлар томонидан тасдиқланиши керак.

## **9. ТАРАФЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛИ ВА ТўЛОВ РЕКВИЗИТЛАРИ.**

### **"Бажарувчи"**

Данғара тумани хўжалик ҳисобидаги  
шахсий таркиб архиви  
Данғара ш. А.Навоий 29-уй  
Тел: (73) 572-22-10.  
х/р: 2020 80000 705 425 808 001  
ИНН: 308 771 318  
МФО: 00510

### **«Буюртмачи»**

Данғара тумани Халқ талими бўлими  
Манзил: Данғара шаҳар Фурқат кўчаси  
ш/х: 1000228603023670921000750048  
СТИР:200164961  
ОКОНХ97600

Фазначилик бўлини маси: Молия Вазирлиги  
фазначилиги

Фазна х/в: 23402000300100001010

МФО:00014

СТИР:201122919

Раҳбар

м.ў.

А.А.Содиоков



Директор

А.Хаитов

м.ў.





Ўзбекистон Республикаси "Ўзархив" агентлиги Фарғона вилояти Данғара тумани хўжалик хисобидаги шахсий таркиб давлат архиви ҳужжатларни тартиблаштириш, сақлаш бўйича

## ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

"ТАСДИҚЛАЙМАН"  
Фарғона вилояти Данғара тумани  
Халқ таълими бўлими мудирини А. Содиқов  
« 12 » 04 2022 йил М.Ў

### УМУМИЙ

#### ҚИСМ ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ ТАКЛИФИ

##### 1. Умумий ҳолат

1.1 Ушбу танлов ҳужжатлари "Давлат харидлари тўғрисида" ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (кейинги ўринларда Қонун) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20-сентябр 2019 йилдаги "Архив иши ва иш юритишни такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида" ги ПФ-5834 сон Фармони, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 19-март 2020 йилдаги "Архив иши ва иш юритиш соҳасидаги айрим норматив ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида" (кейинги ўринларда - қарор).

1.2 Тендер мавзуси Данғара тумани ХТБ ҳужжатларини тартиблаштириш, сақловга тайёрлаш ва сақлаш.

1.3 Тендер таклифида кўрсатилган нархлар чэгара қийматидан ошмаслиги керак.

1.4 Хизматларни кўрсатиш бўйича техник топшириқлар танлов ҳужжатларининг техник қисмида келтирилган.

1.5 Тендер комиссияси йиғилишининг шакллари - онлайн.

##### 2. Танлов ташкилотчилари

2.1 Буюртмачининг номи Данғара тумани ХТБ(бундан кейин "Буюртмачи" деб номланади).  
Мижознинг манзили: Фарғона вилояти Данғара шаҳарчаси р/с1000 228 603 0236 70921 000 750048 Банк: Марказий банк Тошкент ш ХККМ МФО: 00014, ИНН: 200 131 339 Комиссиянинг ишчи органи танлов комиссияси (бундан кейин - "комиссия").

2.4 Танлов камида олти аъзодан иборат Буюртмачи томонидан тузилган танлов комиссияси томонидан ўтказилади.

##### 3. Танлов иштирокчилари

3.1 Мулкчилик шаклидан қатъий назар ҳар қандай юридик шахслар, шу жумладан кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин.

3.2-бандда кўрсатилган юридик шахслар бундан мустасно.

##### 4. Танловни ўтказиш тартиби

4.1 Танловда иштирок этиш учун танлов иштирокчиси: а) танлов шартлари билан танишиш учун махсус маълумот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон версиясини олиш (юклар олиш); б) танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ тендер таклифини тақдим этиш;

4.2 Иштирокчиларнинг танловда иштирок этишлари тақиқланади: қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик босқичида бўлиш; "Бюртмачи" билан суд ёки арбитраж ҳолатида бўлиш; ягона реестрда виждонсиз ижрочилар; солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарзлар имтиёзли солиқ режимини таъминлайдиган ва ёки молиявий операцияларни (оффшор зоналар) амалга оширишда маълумотни ошкор қилиш ва тақдим этишни назарда тутмайдиган штатларда ёки ҳудудларда рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб рақамларига эга бўлганлар.

4.3 Бюртмачи иштирокчини сотиб олиш тартиб-таомилларида қатнашишдан четлаштиради, агар: иштирокчи тўғридан-тўғри ёки билвосита мижознинг ҳар қандай амалдаги ёки собиқ мансабдор шахсини ёки ходимини ёки бошқа давлат органини ҳар қандай шаклда иш ҳақи, иш таклифи ёки бошқа ҳар қандай қимматбаҳо нарсалар ёки хизматларни таклиф қилиш, бериш ёки беришга рози бўлиш. давлат харидлари жараёнида бюртмачининг ҳар қандай ҳаракатларини амалга ошириш, қарор қабул қилиш ёки ҳар қандай рақобат тартибини қўллаш; иштирокчи қонунни бузган ҳолда адолақиз рақобат устунлиги ёки манфаатлар тўқнашувига эга 5. Танлов тили, ўлчов бирлиги.

5.1 Тендер таклифи ва иштирокчи ва бюртмачи томонидан амалга ошириладиган барча тегишли ёзишмалар ва ҳужжатлар ўзбек ёки рус тилларида бўлиши керак. Тендер таклифи ўзбек ёки рус тилларига аниқ таржимаси илова қилинган ҳолда, бошқа тилда бўлиши мумкин. Тендер таклифи матнида фарқлар бўлган тақдирда, бир нечта тил ишлатилганда, ўзбек ёки рус тиллари устунлик қилади. Инглиз тилида техник ҳужжатларни тақдим этишга рухсат берилади. Тендер таклифида мэтрик ўлчов тизимидан фойдаланиш керак.

6. Тендер таклифи ва уни рўйхатдан ўтказиш тартиби

6.1 Порталда ёлон қилинган тендер иштирокчилари танлов ёлонида кўрсатилган манзил бўйича ёлонда белгиланган тартибда таклифлар киритадилар.

6.2 Рақобатчи: тақдим этилган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва тўғрилиги учун жавобгардир;

6.3 Тендер таклифи икки қисмдан иборат: нарх қисми танлов шартларига мос келиши ва қўйидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак: маҳсулот номи, хизматларнинг қиймати, умумий миқдори, тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиш муддати ва бошқалар.

6.4 Тижорат таклифи электрон шаклда тақдим этилади.

6.5 Техник таклиф қўйидаги ҳужжатларни ўз ичига олиши керак: техник ҳужжатлар рўйхати (техник маълумотлар варақалари, фойдаланиш бўйича кўрсатмалар ва бошқалар ёки тақдим этилаётган хизматларнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган бошқа ҳужжатлар).

6.6 Ушбу танловга илова қилинган нарх таклифининг мажбурий ҳужжатлари мавжудлигига қўйиладиган талаблар.

6.7 Комиссия фақат ушбу йўриқноманинг талабларига мувофиқ тайёрланган таклифлар учун жавобгардир.

7. Таклифлар бўйича тендер тартиби, уларни баҳолаш тартиби ва мезонлари

7.1 Элонда тендер ўтказиладиган вақт сифатида кўрсатилган вақт, тендер иштирокчилари томонидан тақдим этилган тендер таклифларини баҳолаш бўйича тендер комиссияси.



7.2 Таклифларни кўриб чиқишда барча ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг тўғрилиги текширилади. Тегишли ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, тендер комиссияси ушбу таклифни кўриб чиқиш ва баҳолаш учун рад этишга ҳақлидир.

7.3 Тендер қўмитаси тендер ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларни танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонларга қараб баҳолайди.

7.4 Тендер иштирокчиси томонидан тақдим этилган ҳужжатларда мавжуд бўлган маълумотлар аниқланган тақдирда, тендер комиссияси бундай иштирокчини тендерда қатнашишдан четлаштиришга ҳақлидир.

7.5 Таклиф Қонун, меъёрий ҳужжатлар ва тендер ҳужжатлари талабларига мос равишда бўлишлари мумкин, белгиланган тартибда ишлашлари мумкин.

7.6 Тендер комиссияси агар уни тақдим этган тендер иштирокчиси Қонунда ва қарор қабул қилинадиган талабларга жавоб бермаса ёки тендер иштирокчиларининг таклифи бўйича тендер ҳужжатлари талабларига жавоб бермаса, таклифни рад этади.

7.7 Тижорат таклифларини баҳолаш жараёнида тендер комиссияси талабгорлардан уларнинг таклифларига нисбатан тушунтиришлар сўраши мумкин. Ушбу процедура белгиланган тартибда расмий равишда, ёзма равишда, танлов ташкилотчиси орқали амалга оширилади. Тушунтириш жараёнида таклифнинг моҳиятида, шунингдек нархнинг ўзгаришига йўл қўйилмайди.

7.8 Тендер ҳужжатлари ва таклифида кўрсатилган мезонларга асосланиб шартномани бажариш учун энг яхши шартларни таклиф қилган тендер иштирокчиси ғолиб ҳисобланади.

8. Томонларнинг жавобгарлиги ва мувофиқлиги Махфийлик.

8.1 Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарлик қуйидагиларга тегишли кирувчи таклифлар ёзувларини юритадиган ва уларнинг хавфсизлиги ва махфийлигини таъминлайдиган комиссия аъзолари комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек таклифларни ўрганиш учун тузилган ишчи гуруҳ аъзолари, маълумотларни ошкор қилиш, иштирокчилар, комиссиянинг бошқа аъзолари ва жалб қилинган экспертлар билан тил бириктиришга рухсат бериш, шунингдек бошқа ноқонуний ҳаракатлар учун. Шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаган (миқдорий, сифат ва техник кўрсаткичлар бўйича) тендер ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ёки тузилган шартнома бўйича жавобгар бўлади.

### ТЕХНИЧЕСКОЕ ЗАДАНИЕ

#### На выполнения работ :

Данғара Халқ таълими бўлими ул Узбекистан в городе Фергане Данғара районе  
 г.Фергана 2022 г.

#### ИНФОРМАЦИОННАЯ ТАБЛИЦА отбор наилучших предложение:

Данный раздел включает в себя специальные положения, касающиеся предмета отбор наилучших предложение, и дополняющие информацию или требования, приведенные в других разделах конкурсной документации

№	Наименование раздела	Пояснения к разделам
1	Заказчик:	Данғара тумани Халқ таълими бўлими
2	Предмет отбор наилучших предложение:	Архивная обработка данных, Архивное хранение
3	Номер отбор наилучших предложение:конкурса:	№1
4	Адрес и контакты Заказчика:	г. Фергана ул.Данғара шаҳарчаси тел 97 501 09027
5	Контактное лицо:	Ведущий специалист по капитальному строительству, Л.Мамарозиқова
6	Объявление о отбор наилучших предложение: опубликовано:	Специальный информационный портал: <a href="http://www.etender.uzex.uz">www.etender.uzex.uz</a>
7	Для участие в конкурсе допускаются участники	Участие в конкурсе объединений юридических лиц (консорциумов) не допускается
8	Лицензируемые виды работ	Копия лицензии на осуществление деятельности заверенное печатью организации
9	Сроки обращения участников за разъяснениями к отбор наилучших предложение:документации	2 дня до даты окончания срока подачи отбор наилучших предложение:
10	Срок действию отбор наилучших предложение:	не менее 10 дней со дня окончания представления конкурсных предложений
11	Прием отбор наилучших предложение:	Предложения принимаются с момента опубликования на сайте
12	Конкурс и вскрытие предложений будет осуществляется	В электронном виде
13	Период оценки отбор наилучших предложение:предложений	Период оценки конкурсного предложения составляет не более 3 дней со дня окончания приёма конкурсных предложений
14	Размер обеспечения исполнения договора	1% от стоимости строительства, определенной по результатам конкурса
15	Предельная цена заказчика:	98 400 000 сум
16	Язык конкурса:	Русский
17	Источник финансирования	бюджетные средства
18	Валюта договора	Узбекский сумм



**Дололатнома**

Бизларким, қуйидаги имзо чекиб тасдиқловчилар, Данғара ТХТБ бош ҳисобчиси Ж.Норқўзиев ва Данғара тумани хўжалик ҳисобидаги шахсий таркиб архиви директори А.Хаитов ҳужжатларни тартибга келтириб, бажарилган ишлар якуний дололатномасини туздик

**“Ўзархив” агентлигининг 2020 йил**

**31 мартдаги 72-сон буйруғига билан тасдиқланган перейскурант асосида бошқарув ҳужжатларини тартибга келтириш бўйича Данғара ТХТБ**

**КАЛЬКУЛЯЦИЯ**

№	Бажариладиган хизматлар	Ўлчов бирлиги	Хизмат нархи	Хизмат хажми	Бажариладиган хизмат нархи
1	Йиғмажилдлар ва ҳужжатларнинг фондга тегишлилигини аниқлашва белгилаш	1 сақлов бирлиги	2050	1338	2 742 900,00
2	Шахсий таркиб йиғмажилдларнинг сарлавҳаларини таҳрир этиш	1 сақлов бирлиги	800	996	796 800,00
3	Варақчаларга архив белгиларини қўйиб чиқиш (шифрлари)	1 сақлов бирлиги	200	219946,24	43 989 248,00
4	Йиғмажилд тасдиқ варағини елим билан ёпиштириш ва уни расмийлаштириш	1 сақлов бирлиги	850	998	848 300,00
5	Йиғмажилдлар муқовасига архив рақамларини қўйиб чиқиш	1 сақлов бирлиги	250	996	249 000,00
6	Йиғмажилдларни боғламларда боғлаш	1 сақлов бирлиги	100	274	27 400,00
7	Ёрликларни ёзиб чиқиш	1 сақлов бирлиги	1040		-
8	Ёрликларни ёпиштириш	1 сақлов бирлиги	650		-
9	Рўйхатларга Сўз боши тузиш	1 рўйхат	625622		-
10	Ҳужжатларни стеллажлардан иш жойига ташиш	1 боғлам	474		-
11	Бажарилган ишлар дололатномасини тузиш	1 рўйхат	4345		-
12	Давлат сақловига топширилиши лозим бўлган ҳужжатларнинг рўйхатини тайёрлаш	1 рўйхат	2050	700	1 435 000,00
13	ҳужжатларини қабул қилиш 75 йил сақланадиган шахсий таркиб (иш ҳақи китоблари, шахсий таркиб буйруқлари, шахсий йиғмажилдлар)ҳужжатлари	1 сақлов бирлиги	36004	1338	48 173 352,00
14	Ҳужжатлар ва йиғмажилдларни тартибга солиш тугатилганлиги ҳақида дололатнома тузиш	1 рўйхат	138000	1	138 000,00
<b>ЖАМИ:</b>					<b>98 400 000</b>

*Туқсон саккиз миллион тўрт юз минг сўм*

Топширди



*Ж. Норқўзиев*

Қабул қилди



*А. Хаитов*



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI  
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI  
DANG'ARA TUMAN YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI

150500, Dang'ara tumani, Toshkent ko'chasi, 150-uy, tel.: (998 73) 572 17 78,  
www.farg'ona.adliya.uz, el.pochta: dangara.t-yurmarkaz@adliya.uz

“26 ” aprel 2022 yil.

Dang'ara tumani Xalq ta'limi  
bo'limiga

YURIDIK AXAMIYATGA EGA XUJJATLARNING QONUN XUJJATLARIGA  
MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY

XULOSA.

1. Loyihaning turi:

**SHARTNOMA.**

2. Loyihaning nomi:

**Dang'ara tumani xo'jalik hisobidagi shaxsiy tarkib arxivi tomonidan  
Dang'ara tumani XTB xujjatlarini tartibga keltirish, saqlovga tayyorlash,  
kitob shakliga keltirib tikish, ekspertizadan o'tkazish va saqlash xizmatlarini  
amalga oshirishi to'grisida.**

3. Loyihani taqdim etgan davlat organi yoki tashkilotining nomi:

**Dang'ara tumani Xalq ta'limi bo'limi.**

4. Loyiha yuzasidan berilgan huquqiy xulosa:

Mazkur shartnoma loyihasi O'zbekiston Respublikasining amaldagi qonunlari, xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonuni va “Korrupsiyaga qarshi kurash to'g'risida”gi qonuni asosida o'rganildi. Shartnoma loyihasi amaldagi qonun xujjatlari talablariga javob beradi hamda qonunga mos holda tuzilgan. Tomonlarning shartnomada ko'rsatilgan javobgarligi va o'zaro nizolarni hal qilish O'zbekiston Respublikasi Fuqarolik kodeksi hamda xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risidagi qonuni asosida tuzilganligi haqida xulosa qilaman.

Dang'ara tumani Yuridik xizmat ko'rsatish  
markazi bosh yuristkonsulti:



Sh.J.Ziyayev.